

**БОЛАЛАРДА ТИШ КАРИЕСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ УЧУН  
ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИДАН ОЛИНГАН ЭКСТРАКТ САҚЛОВЧИ ЯНГИ  
АЭРОДЕНТ ТИШ ЮВИШ ҚУРИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

***РАХМАТОВА ДИЛНОРА САИДЖОНОВНА.***

*Бухоро давлат тиббиёт институти болалар стоматологияси  
кафедраси ассистенти. Ўзбекистон. Бухоро шаҳри*

*ORCID ID 0000-0002-2740-4860*

**Калит сўзлари:** *тиш кариеси, капсула, каппа, профилактика, қурилма.*

Ҳозирда катталарда ва болаларда тиш кареси ва стоматитларни профилактикасини тўғри ташкил этиш ва бу касаллик билан касалланган беморларни тез, сифатли, асорақиз, безарар ва арзон усулда даволашни йўлга қўйиш айнан тиш ювиш капсуласи орқали амалга ошириш мумкин. Тиш ювиш капсуласи оғиз бўшлиғида тоза муҳитни таъминлаб, тиш ва шиллиқ қаватларнинг нормал ҳолатини сақлаб туради. Беморлар нафас олишда эркинликни, соф мусаффо ҳавони ҳис этади. Ундаги антибактериал воситалар патоген микроорганизмларни йўқ қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, тишларни соғлом сақлаш учун айнан четдан кириб келаётга тиш пастларига эмас, балки ўзимда мавжуд бўлган табиий ўсимлик экстрактларидан фойдаланган ҳолда ҳам тиш профилактикаларни олиб бориш мумкин. Қизилмия настойкасида бемалол тиш пасталари ўрнида фойдаланиш мумкин чунки биз унинг таркибига қизилмия экстракти билан бирга ментол ҳам қўшдик, бу оғиз бўшлиғи учун мусаффо ва соф нафасни ҳосил қилади. Бундан ташқари экстракт таркибида пасталар таркибида мавжуд бўлмаган 20дан ортиқ моддалар ҳам мавжуд. Аэродент капсуласи эса тишлар ва уларнинг юзаларини бемалол тозалай олади бу тиш ювиш чўткасининг ҳам вазифасини бажаради дегани.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НОВОГО ЗУБНОГО ЧИСТЯЩЕГО  
УСТРОЙСТВА АЭРОДЕНТ КОТОРОЕ СОДЕРЖАЮЩЕГО ЭКСТРАКТА**

КОРНЯ СОЛОДКИ ДЛЯ ПРОФИЛАКТИКИ КАРИЕСА В ДЕТСКОМ  
ВОЗРАСТЕ.

**РАХМАТОВА ДИЛНОРА САИДЖОНОВНА.**

*ассистент кафедры детской стоматологии Бухарского  
государственного медицинского института. Город Бухара  
Республики Узбекистан.*

ORCID ID 0000-0002-2740-4860

**Ключевые слова.** *кариес, капсула, каппа, профилактика, устройства.*

В настоящее время правильная организация профилактики зубного налета и стоматита у детей и взрослых а также быстрое, качественное, безболезненное, безвредное и недорогое лечение больных этим заболеванием можно сделать именно через капсулу для мытья зубов. Капсула для мытья зубов обеспечивает чистую среду в полости рта, поддерживая нормальное состояние зубов и слизистых оболочек. Пациенты чувствуют свободу дыхания, чистый холодный воздух. Антибактериальные средства в нем уничтожают патогенные микроорганизмы.

Следует иметь в виду, что для того, чтобы сохранить зубы здоровыми, можно проводить профилактику зубов, используя не только зубные пасты, но и натуральные растительные экстракты, которые у нас существует. В настойке солодки можно использовать вместо удобной зубной пасты, так как в ее состав вместе с экстрактом солодки добавили ментол, который образует неприятный запах и чистое дыхание для полости рта. Кроме того, экстракт содержит более 20 веществ, которые не содержат пасты в своем составе. А капсула Аэродент может легко чистить зубы и их поверхности, что означает, оно также выполняет функцию зубной щетки.

USE OF NEW DENTAL CLEANING DEVICE AERODENT WHICH  
CONTAINING MALT ROOT EXTRACT FOR CARIES PREVENTION IN  
CHILDREN.

RAKHMATOVA DILNORA SAIDJANOVNA

Assistant of the Department of Pediatric Dentistry, Bukhara State Medical  
Institute Bukhara City.

ORCID ID 0000-0002-2740-4860

**Keywords:** *dental caries, dental hard tissue, kapp, kapsula, prophylaxis.*

Currently, the correct organization of the prevention of dental plaque and stomatitis in children and adults, as well as fast, high-quality, painless, harmless and inexpensive treatment of patients with this disease can be done through a capsule for washing teeth. Дилнора Саиджонова, [20.09.21 09:42]

Capsule for washing the teeth provides a clean medium in the oral cavity supporting the normal state of teeth and mucous membranes patients feel free breathing clean cold air antibacterial agents in it destroy pathogenic microorganisms it should be borne in mind that in order to keep teeth healthy, you can carry out dental prophylaxis using not only toothpaste but also natural plant extracts that we have in tincture of licorice can be used instead of convenient and toothpaste Since menthol was added to its composition together with licorice extract, which will have an unpleasant odor and clean breath in the mouth

In addition, the extract contains more than 20 substances that do not contain pastes in its composition and the Aerodent capsule can easily clean teeth and their surfaces; Which means it also functions as a toothbrush.

Қизилмия ўсимлиги юртимиз бўйлаб кенг тарқалган ўсимликдир. Бугунги кунда ундан доривор ўсимлик сифатида кўплаб дори моддаларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон миқёсида эксперт қилиш биз тиббиёт ходимлари учун энг долзарб масалалардан биридир. Қизилмия ўсимлиги бизнинг ҳудудда мослашган ва ўзида икки юздан ортиқ ноёб ва инсон организми учун фойдалиб ўлган моддалар, биофаол ҳосилалар, микроэлементлар, витамин ва органик кислоталар сақлайди. Биз ушбу моддалардан организмнинг патологик ҳолатларида фойдаланишимиз керак. Шу муносабат билан қизилмия ўсимлигидаги биофаол моддаларни тиш ва оғиз бўшлиғи тозалигини сақлаш,

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларидаги ялиғланиш ҳолатларини бартараф қилишда, тишларкариеси профилактикаси, стоматитларни даволаш ва оғиз бўшлиғининг эобиозини тиклаш учун ишлатишни мақсад қилдик.

Қизилмия ўсимлигидаги моддаларнинг аксарият қисми унинг илдизида сақланади. Шунинг учун илдиз қисмидаги моддалардан суюқлик шаклида фойдаланиш учун настойка кўринишига олиб келиш керак. Бунда махсус идишда майдаланган илдиз қисмлари ҳарорати 80С<sup>0</sup> бўлган сувга солиниб, 2 соат қолдирилади, сўнгра, уни фармакологик филтрлардан ўтказиб, тиндирма шаклидаги экстракти ажратиб олинади. Ушбу суюқлик "Аэродент" номли тиш ювиш капсуласининг ампула қисмига солинади ва тайёр бўлган восита орқали тиш ва оғиз бўшлиғидаги мавжуд бўлган патологик ҳолатларни даволаш ва профилактикаси учун ишлатилади.

Қизилмия илдизлари ва ер ости куртаклари ўзида 23% глицирризин, калий ва калций тузларини сақлайди, бундан ташқари патологик мироорганизмларга қарши глицирризин уч асосли кислота сақлайди, кам миқдорда глюкурон кислотаси ҳам мавжуд бўлиб, яллиғланган тўқималарнинг қайта регенерацияси учун муҳимдир. Қизилмиянинг илдиз ва бутун ўсимлик қисмларида фойдали бўлган сапанин кислотаси мавжуд бўли, у тайёрланган тиндирмага ширин там беради, сўлак таркибидаги қолдиқ маҳсулотларни зарарсизлантиради, ишқорларни адсорбция қилиш хусусияти мавжуд. Қизилмия илдизлари 20 дан ортиқ флаваноид гликозидларини - ликвиритин, ликвиритозид, ликвиритигенин-7, 4-диоксифлаван ва бошқаларни сақлайди. Бундан ташқари биофаол бўлган моддалар глабир кислотаси, стероидлар (бета-ситостерол, эсхиол), аспарагин, эфир мойи (0,03%), аскорбин кислотаси ва бошқа моддаларни ўз ичига олади.

Қизилмия ўсимлиги унинг қисмларидан тайёрланган бу каби фаол биоорганик ва биоанорганик моддалар тишлар физиологиясини барқарор сақлаб, уларни тиш кариесидан ҳимоя қилади, шу билан бирга оғиз бўшлиғининг малакали гигиенасини амалга оширади. Қизилмия ўсимлигидан

тайёрланган тиндирмани «Аэродент» номли тиш ювиш капсуласига солинади ва оғиз бўшлиғи ҳамда тишларга сепилади.

**Тиш ювиш капсуласининг тузилиши.** Тиш ювиш капсуласи 2 қисмдан иборат, яни “тишлар эгатиға мос капсулалар қапа” ва “Суюқлик сақловчи ампула қисмидан” иборат. Тиш ювиш капсуласининг ампула ва қапа қисмлари бир-бири билан боғланган, улар биргаликда ишлайди. Оғиз бўшлиғини ва тишлараро тиш оралиқларини ювиш, ички муҳит рН ини меъёрида сақлаш, оғиз эобиозини нормаллаштириш учун қўлланилади.

Капсуланинг қапа қисми – оғиз бўшлиғига осон кириши учун мўлжалланган, махсус силикондан иборат бўлиб тишларнинг симметрик жойлашиши учун махсус ярим айлана қилиб тайёрланган. Тиш эгатлари сатҳига мос келади. Барча тишларни қоплаб оладиган ва ҳар бир тиш оралиғига тўғри келадиган каналчалар системасидан иборат қисмдир. Унинг каналчалар системаси тиш ва тишлар оралиғини юқоридан пастга томон ювиш мақсадида махсус қапада жойлаштирилган. Қапа силикон қоплама бўлиб, уларда олдинги 15 та ва орқа 15 та каналчалар, жами 30та қапада жойлашган каналчалар системасидан иборат. Бу каналчалар орқали ампуладан катта босимдаги қизилмия илдизи таркибли экстракт суюқлик чиқади ва тишлар оралиғини ҳамда оғиз бўшлиғини ювади. Ушбу экстракт оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги сўлак билан аралашади, экстракт такибидаги ҳар бир модда тиш ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни даволаш ва ушбу касалликларнинг профилактикаси учун жуда катта ёрдам беради. Капанинг ўлчамлари ёшга қараб, турли ҳажмда бўлади.

Экстракт сақланувчи ампула қисм - бу махсус идиш бўлиб, у герметик ҳолатда, унга пурковчи най жойлаштирилган. Ушбу най орқали экстракт ампуладан катта босимда чиқиб қаппа каналларига йўналади. Ампула никел ёки алюмин таркибли бўлиши мумкин. Экстрактли ампула идишининг ҳажми 800 см<sup>3</sup> ва 800мл суюқликни ўзида сақлайди. Бир марта фойдаланилганда 10 мл суюқлик йўқотилади, шунда капсуладан тахминан 80 марта фойдаланиш мумкин. Ундан чиқадиган суюқлик аэрозол шаклида бўлади. Экстракт таркиби

суяқ суспенсия, тиндирма ва тиниқ суяқлик бўлиши мумкин суяқлик турини ҳамда унинг таркибини тузиш ва танлаш: касаллик турига, босқичига, бемор ҳолатига, ёшига, ишлатиш мақсадига боғлиқ бўлади.

Тиш капсуласидан 6 ёшдан бошлаб фойдаланиш мумкин. Фойдаланиш тартиби доим овқатдан кейин, оғиз бўшлиғига капсуланинг қапа қисмини киритиб ампула устидаги тугмани бир марта босган ҳолда амалга оширилади. Бунда капдан аэрозол кўринишида экстракт суяқлик чиқади ва тиш ковакларидан бошлаб бутун оғиз бўшлиғига тарқалади.

Ҳозирда болаларда ва катталарда тиш кариеси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари профилактикасини тўғри ташкил этиш ва беморларни тез, сифатли, асоратсиз, безарар ва арзон усулда даволашни йўлга қўйишни айнан шу тиш ювиш капсуласи орқали амалга ошириш мумкин. Тиш ювиш капсуласи оғиз бўшлиғида тоза муҳитни таъминлаб, тиш ва шиллик қаватларнинг нормал ҳолатини сақлаб туради. Беморлар нафас олишда эркинликни, соф тоза ҳавони ҳис этишади. Ундаги антибактериал воситалар патоген микроорганизмларни йўқ қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, тишларни соғлом сақлаш учун айнан четдан кириб келаётган тиш пастларига эмас, балки ўзимизда мавжуд бўлган, табиий ўсимлик экстрактларидан фойдалланган ҳолатда ҳам тиш профилактикаларни олиб бориш мумкин. Қизилмия тиндирмасидан бемалол тиш пасталари ўрнига фойдаланиш мумкин, чунки биз унинг таркибига қизилмия экстракти билан бирга ментол ҳам қўшдик. Бу оғиз бўшлиғи учун мусаффо ва соф нафасни ҳосил қилади. Бундан ташқари экстракт таркибида пасталар таркибида мавжуд бўлмаган 20 дан ортиқ моддалар ҳам мавжуд. Аэродент капсуласи эса тишлар ва уларнинг юзларини бемалол тозалай олади бу тиш ювиш чўткасининг ҳам вазифасини бажаради дегани.

Ҳозирги кунда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар орасида оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари, стоматитлар ва тиш кариеси касаллиги тобора авж олиб бормоқда. Бу касалликларни олдини олиш ва даволаш мақсадида янги “Аэродент” тиш ювиш капсуласини қўллаш

мақсадша мувофиқдир. Капсуланинг афзал томонлари: Тиш ювиш капсуласида сувни ўрнига даволовчи, ўзида қизилмия илдизининг тиндирмасини сақлаган экстракт ишлатилади, капсула кўп камерали яни 30 та каналчалардан иборат бўлиб, бу ҳар бир тиш оралиғини қамраб олади ва ҳар бир тишнинг тўрт юзасини ювади. тиш ювиш капсуласидан фойдаланиш осон бўлиб, ундан фойдаланиш бир марталик жараён ҳисобланади, ундан ёш болалар фойдалана олади ва тиш ювиш чўткаси ўрнида фойдаланиш мумкин, “Аэродент” тиш ювиш капсуласи оғиз бўшлиғининг биомухитини меёрда сақлаш ва озуқа кислоталарини нейтраллизация қилиш каби муҳим вазифаларни бажаради

Тиш ювиш капсуласини қўллашдан асосий мақсад: Овқатланишдан кейин оғиз бўшлиғида қолиб кетган озуқа кислоталарни нейтраллаш ва тиш юзасини тозалашдан иборат. Оғиз бўшлиғи *ph* муҳитини нормаллаштириш, Оғиз бўшлиғи эобиозини тиклаш ва патоген тасирга эга бўлган микроорганизмлар сонини камайтириш ва тиш ҳамда пародонт юзаси органотрофикасини (озикланишини) меёрда сақлаб туришдан иборат.

Тиш кариеси турли географик ҳудудлар ва дунё мамлакатлари аҳолиси орасида энг кўп учрайдиган касалликдир. Ҳозирда тиш кариесининг ягона профилактик чора тадбирлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, болалар ва ўсмирлар орасида тиш кариесининг ортишига сабабчи бўлмоқда. Бунга кўра биз яратган “Аэродент” воситаси орқали тиш ва оғиз бўшлиғидаги бу муаммолар ҳал бўлади. Тишларнинг ташқи юзасидаги минерал моддаларнинг ҳар хил органик кислоталар ва оғиз бўшлиғидаг сапрофит микроорганизмлар иштирокида емирилиши туфайли кариес ва шунга ўхшаш бошқа касалликларнинг келиб чиқишида сабаб бўлади. “Аэродент” тиш ювиш капсуласи таркибидаги қизилмия айнан тиш кариесларини келтириб чиқувчи факторларни йўқотиб, тишларнинг қайта минерализациясини кучайтиради ва тиш эмаль қаватини мустаҳкамлайди.

Болалар учун ҳозирги кунда тиш ювиш воситлари тобора кўпаймоқда, уларни самарасизлиги, ноқулайлиги ҳамда касалликни даволашга деярли

ёрдам кўрсатмаётганлиги сабабли болаларнинг оғиз бўшлиғи инфекцион касалликлари, тиш кариеси ва тишларнинг органик касалликлари камаймаётгани кўринади. Ушбу “Аэродент” тиш ювиш капсуласи стоматология ҳамда отоларингоринология соҳаларида қўллаш учун махсус тиш ва оғиз бўшлиғини ювишга мўлжалланган капсула ҳисобланади. Тиш ювиш капсуласи орқали оғиз бўшлиғининг турли касалликларни даволашда ҳамда уларнинг профилактикасида кенг қўламда фойдаланиш мумкин, яни оғиз бўшлиғи стоматитлари, трофик яралари, шиллиқ қаватлар жароҳатида, милк яллиғланиши гингивитлар, пародонтитлар, тишларнинг кариесида ҳамда тиш қаттиқ тўқимасининг органик ўзгаришлари каби касалликларда қўллаш мумкин.

Қизилмия ва ундан тайёрланган тиндирма экстракти даволовчи ва тозаловчи хусусиятга эгадир. Биринчи навбатда ўз хусусиятини сақлаган дори моддасини олиш ва уни Аэродент тиш ювиш капсуласининг ампула қисмига ўтказиб беморларга қўллаш учун тарқатиш, жаҳон бозорига препаратни олиб чиқиш, юқорида айтиб ўтилган илмий муаммонинг асосий ечимларда биридир.

Тиш ювиш капсуласи экстракт таркибини тузиш ва танлаш: касаллик турига, босқичига, бемор ҳолатига, ёшига, ишлатиш мақсадига боғлиқ бўлади. Ампуладаги суюқликларнинг таркибини касалликлар турлари ва уларнинг ҳолатига қараб қуйидаги тартибда тузиш мумкин: Стоматит касаллигини даволашда алоҳида экстракт таркиби тузилади. Тиш касалликларини даволашда алоҳида экстракт таркиби тузилади. Оғиз бўшлиғини ювиш ва оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикаси учун алоҳида экстракт таркиби тузилади. Тиш капсуласидан қўллашни 6 ёшдан бошлаб фойдаланиш мумкин. Фойдаланиш тартиби доим овқатдан кейин, оғиз бўшлиғига капсуланинг қапа қисмини киритилиб, ампула устидаги тугмани бир марта босган ҳолда амалга оширилади. Бунда капдан аэрозол кўринишида экстракт тиш ковакларидан бошлаб бутун оғиз бўшлиғига тарқалади.

Аэродент тиш ювиш капсуласи орқали биз кўзлаган мақсад ҳозирда

тиш кариесига мойиллиги бор ва шу касаллик билан касалланган болаларни тезроқ даволаниш даражасига ўтказиб, уларнинг соғайишга кетган даврини қисқартиришдир. Жаҳонда кариес профилактикасининг энг зўр моделини ишлаб чиқиш асосий мақсад бўлади. Бундан ташқари Ўзбекистонда энг сифатли ва арзон бўлган тиббий воситани ишлаб чиқариш, беморларни ортиқча дори ва қўшимча воситалар сарфидан қутқариш, асорат беришга йўл қўймаслик, жаҳон бозорига чиқиш ва уни эгаллаш.

Ҳозирда бутун дунёда энг кенг фойдаланиладиган *Water flosser (WP-660E2-instruction-manual.pdf)* ҳамда *DENTAL SPA water floss irrigator* лар тишлар ҳамда оғиз бўшлиғи касалликларни эмас балки бу касалликлар профилактикаси учун тишларнинг остки биляшкаларини йўқотиш мақсадида ишлатилмоқда. Биз яратган фойдали модел "**Аэродент**" эса булардан анча фарқ қилади.

"**Аэродент**" авфзал томонлари қуйдагилардан иборат:

**а.** Тиш ювиш капсуласида сувни ўрнига даволовчи экстракт ишлатилади.

**б.** Бизнинг фойдали моделимиз кўп камерали яни 30та каналчалардан иборат бўлиб, бу ҳар бир тиш оралиғини қамраб олиб, ҳар бир тишнинг тўрт юзасини ювади.

**с.** Фойдали моделимизнинг асосий вазифаси оғиз бўшлиғининг йирингли ялиғланишларни даволаш, тез ва сифатли даवони амалга ошириш.

**д.** Тиш ювиш капсуласидан фойдаланиш осон бўлиб, бу бир марталик жараён ҳисобланади, ундан ёш болалар фойдалана олади.

**е.** Ундан тиш ювиш чўткаси сифатида фойдаланиш мумкин, бунда оғиз бўшлиғининг биомухитини меёрда сақлаш озуқа кислоталарини нейтраллизация қилиш мумкин.

Ушбу фойдали модел стоматология ҳамда отоларингоринология соҳаларида қўллаш учун махсус тиш ва оғиз бўшлиғини ювишга мўлжалланган капсула ҳисобланади. Тиш ювиш капсуласи орқали оғиз бўшлиғининг турли касалликларни даволашда ҳамда уларнинг

профилактикасида кенг қўламда ишлатилиши мумкин, яни оғиз бўшлиғи стоматитлари, трофик яралари, шиллиқ қаватлар жароҳатида, тишларнинг каресида ҳамда тиш қаттиқ тўқимасининг органик ўзгаришлари, унинг касалликларида қўллаш мумкин.

Тиш ювиш капсуласини қўллашдан асосий мақсад:

**а.** Овқатланишдан кейин оғиз бўшлиғида қолиб кетган озуқа кислоталарни нейтраллаш ва тиш юзасини тозалаш.

**б.** Оғиз бўшлиғи *ph* муҳитини нормаллаштириш.

**с.** Оғиз бўшлиғи эобиозини тиклаш ва патоген тасирга эга микроорганизмлар сонини камайтириш

**д.** Тиш ва милklar юзаси органотрофикасини меёрда сақлаб туриш.

Биз ушбу капсула ампуласига қизилмиядан тайёрланган экстрактни солиб беморларга оғиз бўшлиғини тозалаш мақсадида бердик. Ушбу капсуладан жами 134 нафар бемор фойдаланган бўлса, 58 нафари тез-тез стоматит касаллиги билан касалланиб турувчи беморлар бўлса, қолган 76 нафари тиш кариесини олдини олиш оғиз бўшлиғи биомуҳитини нормал ҳолатда сақлаш учун фойдаланадиганлар бўлди. Тез-тез стоматит касаллиги билан касалланадиган беморлар капсуладан фойдаланганларидан кейин охирги 3 ой давомида стоматит касаллиги қайд этилмади. Тиш ва оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикаси учун доимий тартибда фойдаланувчилар “Аэродент” афзал билиб, уларда капсула билан ўзгача муаммолар кузатилмаганлигини айтишди.

**Хулоса:** Ҳозирда катталарда ва болаларда тиш кареси ва стоматитларни профилактикасини тўғри ташкил этиш ва бу касаллик билан касалланган беморларни тез, сифатли, асорациз, безарар ва арзон усулда даволашни йўлга қўйиш айнан тиш ювиш капсуласи орқали амалга ошириш мумкин. Тиш ювиш капсуласи оғиз бўшлиғида тоза муҳитни таъминлаб, тиш ва шиллиқ қаватларнинг нормал ҳолатини сақлаб туради. Беморлар нафас олишда эркинликни, соф мусаффо ҳавони ҳис этади. Ундаги антибактериал воситалар патоген микроорганизмларни йўқ қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, тишларни соғлом сақлаш учун айнан четдан кириб келаётга тиш пастларига эмас, балки ўзимда мавжуд бўлган табиий ўсимлик экстрактларидан фойдаланган ҳолда ҳам тиш профилактикаларни олиб бориш мумкин. Қизилмия настойкасида бемалол тиш пасталари ўрнида фойдаланиш мумкин чунки биз унинг таркибига қизилмия экстракти билан бирга ментол ҳам қўшдик, бу оғиз бўшлиғи учун мусаффо ва соф нафасни ҳосил қилади. Бундан ташқари экстракт таркибида пасталар таркибида мавжуд бўлмаган 20дан ортиқ моддалар ҳам мавжуд. Аэродент капсуласи эса тишлар ва уларнинг юзаларини бемалол тозалай олади бу тиш ювиш чўткасининг ҳам вазифасини бажаради дегани.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Raxmatova Dilnora Saidjonovna. Method of Improving the prevention of dental caries in children using the device Aerodent. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 1 (01), 9.02.2021. 26-32p.
2. Raxmatova Dilnora Saidjonovna. Modern concepts of the causes of development, prevention and principles of treatment of dental caries in children. European Journal of Molecular & Clinical Medicine 8 (1), ISSN 2515-8260 Volume 08, Issue 01, 2021, 1477-1482 p.
3. Rahmatova Dilnora Saidjonovna, Xojiyev Dilmurod Yaxshiyevich. Modern Concepts of the Causes of Development, Prevention and Principles of Treatment of Dental Caries in Children. American Journal of Medicine and Medical Sciences. Discover this journal online at <http://journal.sapub.org/ajmms>. ISSN: 2165-901X Volume 10, Number 11, November 2020 y. 908-910 p DOI: 10.5923/j.ajmms.20201011.16
4. Raxmatova Dilnora Saidjonovna. Features of treatment of dental caries in children using medicine Aerodent. International Engineering Journal For Research & Development 5 (ISCCPCD), 29.05.2020 4-8 p.
5. Inoyatov A.Sh., Kamolova F.R., Rakhmatova D.S., Afakova M.Sh. Improving

the prevention and treatment of dental caries in children. Тиббиётда янги кун 3 (27) 2019 г 18-20 стр.

6. Рахматова Д.С. Особенности лечения травматических повреждений у детей с использованием лекарственного средства Аэродент. «ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖӘНЕ СЕРІКТЕС ЕЛДЕРДІҢ ЖОО-ЛАРЫНДА. 1 (89) 2020 ж. Вестник 3-7 стр.

7. D S. Rakhmatova The significance of preventive examination of dental diseases in school-age children. Collection of articles International scientific and practical Conference." Topical issues of dentistry. 2018. 45-49 p.

8. Рахматова Д.С. Методы использования зубной чистящей капсулы Аэродент при лечения кариеса и стоматитов. Теоритические и практические аспекты современной медицины Сборник статей по материалам 3-4 Международной научно практической конференции № 1 (3) Январь Новосибирск 2019г. 1-8стр.

9. Иноятлов А.Ш. Рахматова Д.С. Совершенствование профилактики и лечения кариеса зубов у детей. Тиббиётда янги кун 3(27) 2019 й. 99 б.

10. Rahmatova D. S. Invention of a New Means "Aerodent" for the Primary Prevention of Dental Caries in Children. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN. Volume 13, June 2021 Published: Jun 21, 2021. 11

11. Rahmatova D. S. Modern Prevention and Effective Treatment of Dental Caries in Children. Central Asian Journal of Medical and Natural sciences

Volume: 02 Issue: 03 | May-June 2021 ISSN: 2660-4159  
<http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/> CAJMNS 2021 13.345-349 p.

12. Байкова О.И., Константинова Д.И., изучение содержания фтора в чае методом прямой потенциометрии в связи с профилактикой кариеса и флюороза /В сборнике: Актуальные проблемы биологической и химической экологии Сборник материалов VI Международной научно-практической конференции. Ответственный редактор Д.Б. Петренко. 2019. С. 251-254.

13. Кургузов А.О. Значение комплаентности в профилактике кариеса у

ортодонтических пациентов актуальные проблемы экспериментальной и клинической медицины - / Материалы 76-й международной научно-практической конференции молодых ученых и студентов. Волгоград, 2018. С. 229.

14.Соловьева Ж.В., Адамчик А.А. Эффективность применения глубокого фторирования в профилактике кариеса эмали //Кубанский научный медицинский вестник. 2018. Т. 25. № 2. С. 135-139.

15.Кравчук И.В. Метод Глубокого Фторирования В Профилактике Кариеса Зубов В сборнике: БГМУ: 90 лет в авангарде медицинской науки и практики Сборник научных трудов. Под редакцией А.В. Сикорского, О.К. Кулаги. Минск, 2014. С. 134-137.